

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Анорбоева Бахтижамол Данияр кизи

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа

доктори (PhD)

ушбу мақолада республика ва унинг ҳудудларида мева–сабзавотчилик ва узум маҳсулотларини етиштириш, уларнинг экспорт салоҳияти таҳлили, келгусида фермер хўжаликларида мева-сабзавотчилик соҳасидаги экспорт ошириш йўллари баён этилган.

в данной статье описано выращивание плодовоовощной продукции и винограда в стране и ее регионах, анализ их экспортного потенциала, пути дальнейшего увеличения экспорта плодовоовощной продукции в фермерских хозяйствах.

this article describes the cultivation of fruit and vegetable products and grapes in the country and its regions, an analysis of their export potential, ways to further increase the export of fruit and vegetable products in farms.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги тармоғи аҳолининг озиқ овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва истакларини таъминлаш билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиб, ўтган йиллар давомида тармоққа ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ...фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»[1] билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш учун тажриба-синов тариқасида

инвестициявий дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган [2].

2019 йил охирида жаҳон мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан қийин ҳолатга туширган пандемия шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида таянч тармоқлардан бири қишлоқ хўжалиги тармоғи бўлганлигини инобатга олинадиган бўлсак, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида юз бераётган ўзгаришлар ва тенденциялар асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Рақобат шароитида ҳам Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик ва узумчилик маҳсулотларини етиштириш, уларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мева-сабзавотчилик ва узумчилик маҳсулотлари экспортини ошириш, фан техника тараққиётининг илғор ютуқларини соҳага жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мева ва сабзавотлар етиштиришни кўпайтириш, аҳоли истеъмолини тўла қондириш ҳамда мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг муҳим соҳаси ҳисобланган мева-сабзавотчиликнинг ижтимоий-иқтисодий тизимдаги амалий аҳамияти кундан-кунга ошиб, бунда **биринчидан**, мамлакат аҳолисига озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларини етказиш, **иккинчидан**, саноат тармоғини хом-ашё билан таъминлаш, **учинчидан**, чорвачилик соҳасини барқарор озуқа базаси билан таъминлаш, **тўртинчидан**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорларда сотиш орқали мамлакат экспорт салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Шунинг учун мазкур соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш, янада ривожлантириш ва янги босқичларга кўтариш юзасидан амалий тадқиқотлар ўтказиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда [7].

1-жадвал Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотлар экспорти таркиби [5.65 б]

	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда	2017
					йилгача ўзгариши	нисбатан
					+, -	%
Мевалар ва резаворлар, млн.АҚШ долл.	254,4	357,7	406,8	353,9	99,5	139,1
Сабазавотлар млн.АҚШ.долл.	217,7	307,7	471,3	400,0	182,3	183,7
Узум, млн.АҚШ.долл	159,5	179,7	223,7	188,3	28,8	118,1
Ерёнғоқ, млн.АҚШ.долл	10,6	22,9	14,4	16,5	5,9	155,6
Янги қовун ва тарвузлар, млн.АҚШ.долл	3,3	6,5	13,1	35,6	32,3	10,7 м.

Юқоридаги жадвалда 2017-2020 йилларда Ўзбекистон республикасида мева-сабзавотлар экспорти таркиби келтирилган.

Таҳлиллардан кўринадики, 2020 йилга келиб, мева-сабзавотлар экспорти таркибида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилган. Айниқса, янги қовун ва тарвузлар экспорти ўрганилаётган йилларда 10,7 мартага ортган, мевалар ва резаворлар экспорти 39,1 фоизга, сабазавотлар экспорти 83,7 фоизга, ерёнғоқ 55,6 фоизга, узум экспорти 18,1 фоизга ортган.

Ривожланган хорижий давлатлар амалий тажрибасига таяниб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг яхлит ва тизимли ҳуқуқий ҳал этиш йўллари топиш, уларни амалиётда жорий этиш устувор вазифалардан бири саналиб, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини миллий деҳқончилик маданияти асосида хўжалик юритишнинг табиий шакллари қарор топтириш баробарида, жаҳон амалиётида ўзини оқлаган фермерлик, оилавий тадбиркорлик, акциядорлик, агросаноат кооперацияси, кластерлаш каби илғор хўжалик шакллари тадбиқ этиш лозим. Айниқса, мева-сабзавотчилик, полиз ва узум маҳсулотлари етиштириш мақсадида фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик, кластерлаш имкониятларидан янада кенг фойдаланиш, ер ресурсларидан фойдаланадиган хўжаликларда соҳибкорлик бўйича иш кўникмаларига эга бўлиш маданиятини шакллантириш зарур [4]. Шунингдек, ихтисослашган фермер хўжаликларига ажратилган ер ресурсларидан тадбиркорлик асосида

фойдаланиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, назорат қилиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш лозим.

2 жадвал 2020 йилда мева-сабзотлар маҳсулотлари экспорти ҳажми [5,6].

	Миқдори , минг тонна	Млн.долл.	Базис йилига нисбатан фоизда
Жами	1485,0	1008,6	83,5
Сабзавотлар	768,3	400,0	84,9
Узум	181,4	188,3	84,1
Шу жумладан : куритилган	40,9	55,1	52,7
Янги қовун ва тарвуз	105,6	35,6	2,7
Мева ва резаворлар	402,3	353,9	87,0
Шу жумладан: куритилган	46,7	50,1	122,8
Ерёнғоқ	12,8	16,5	114,9

Юқоридаги жадвалнинг таҳлили шундан далолат берадики, 2020 йилда аксарият экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажмида сезиларли ўзгаришлар кузатилган. Масалан, ўтган йилга нисбатан сабзавотлар 84,9 фоиз, мева-резаворлар 87,0 фоиз, узум 84,1 фоизга тенг бўлган. Фақат 2020 йилда 2019 йилга нисбатан янги қовун ва тарвузлар 2,7 мартага, ерёнғоқ 14,9 фоизга ортган.

3- жадвал Мева – сабзавотлар экспорти географияси

Давлатлар	Минг. Тонна	Млн. долл.	Улуши %
Россия Федерацияси	355,2	255,4	25,3
Қозоғистон	625,1	251,4	24,9
Қирғизистон	136,8	181,1	18,0
Покистон	48,5	75,5	7,5
Хитой Халқ Республикаси	90,8	70,1	7,0
Афғонистон	67,9	49,4	4,9
Туркия	14,4	19,4	1,9
Украина	27,5	15,3	1,5
Туркменистон	21,5	10,7	1,1
Тожикистон	17,3	10,6	1,0
Беларус	13,4	10,4	1,0
Ироқ	23,5	10,2	1,0
Германия	3,0	6,3	0,6
Озарбайжон	5,4	6,2	0,6
Грузия	8,7	5,5	0,5
Бошқа давлатлар	26,0	31,0	3,1

Юқоридаги жадвалнинг таҳлили кўрсатишича, республикамизда экспорт қилинаётган мева – сабзавотлар географияси йил сайин кенгайиб бормоқда. Охирги йилларда мева – сабзавотлар экспортининг 25,3 фоизи Россия Федерациясига, 24,9 фоизи Қозоғистон, 18,1 фоизи Қирғизистон давлатлари улушига тўғри келмоқда. Ўртача 7,0 фоизлик улуш Хитой Халқ Республикаси, Покистон давлатларида кузатилмоқда.

Таҳлилларимизга кўра, республикамиз бўйича ўртача мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорти етиштирилган маҳсулотларга мавжуд имкониятларга нисбатан кам фоизни ташкил этган. Лекин бизнинг фикримизча, бу борадаги имкониятлар эришилган кўрсаткичларга нисбатан анча юқори бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мева-сабзавотчилик ва узум маҳсулотлари экспортини ошириш масалаларига истиқболда алоҳида эътибор бериш зарур. Республикамиз ҳудудларида мева-сабзавотчилик соҳасида эришиши мумкин бўлган кўрсаткичлар юқори бўлиб, уларни чуқур қайта ишловчи, ташқи бозорларда рақобатбардош товарлар: шарбат, қиёмлар, шарбат кукунлари, музлатилган (янги узилган) кўринишдаги мевалар ва бошқа қуруқ меваларни етиштирувчи, тайёрловчи, ишлаб чиқарувчи, уларни қайта ишловчи субъектларни ташкил қилиш лозим [3]. Таҳлилларимизга кўра, бунга қуйидагиларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин:

мева-сабзавотчилик маҳсулотларини маълум муддат сақлаш учун махсус бино ва иншоотлар сиғимини кўпайтириш;

уруғ-навларини селекциясини яхшилаш яъни экспортбоп ва рақобатбардош, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни етиштиришга эътибор қаратиш;

экспорт географиясини ошириш, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Жанубий Осиё ва Европа давлатларига экспорт ҳажмини ошириш;

замонавий қадоқлаш усуллари кўллаш, мева-сабзавотчилик маҳсулотларни қайта ишловчи мини цехлар, қуритувчи, қадоқловчи ускуналарни кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятига жорий этиш ва х.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz.
3. Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. Иқт.фан. ном.илм.дар. олиш учун ёзилган дис. автореф.— Т.: — 2005. —б.25.
4. Эргашев Э.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф.— Т.:—2009. —б.22.
5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2017-2020 йй. Статистик тўплам.- Тошкент, Давлат Статистика қўмитаси, 2021 йил -169 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари
7. Хожаев А.С. Фарғона вилоятида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятини устувор ривожлантириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил. www.iqtisodiyot.uz.